

Пахлавонкули Равнак (1725—Хоразм — 1805) — шоир. Хивадаги Шергозихон мадрасасида ўқиган. Дастлаб Хива хони Абулгози Соний (1742—47) ни мактаб шеърлар ёзган. 1768 йилда тахтга ўтирган Гойибхон таъкибидан кочиб, бир неча йил сарсон-саргардонликда юрган. Сўнг Хива мадрасаларидан бирининг хужрасида факирликда ҳаёт кечирган. Ўзбек, форс ва араб тилларида, асосан, лирик жанрларда ижод қилган. Ягона кўлёзма девони бизгача етиб келган. У 286 шеър — 5251 мисра: 258 газал, 22 мухаммас, 5 касида ва 1 мустазоддан иборат. Шеърларининг асосий мавзуи инсонга ва ижтимоий ҳаётга муносабат масалаларидир. Равнак газал жанрини тематик жихатдан бойитган. Газалларида инсоний ишк-мухаббатни, табиат ва ҳаёт гўзалликларини мадҳ этиш билан бирга давр ва тақдирдан, замона носозликларидан шикоят қилган. Навоий (14 та), Фузулий (3 та), Машраб, Хуррабий ва бошқанинг газалларига мухаммаслар боғлаган. Равнак касидалари анъанавий услубдан фарқ қилиб, муайян шахс ёки воқеага эмас, шоир яшаб турган ижтимоий ҳаётга бағишланган, уларда амалдорлар инсофга чақирилган («Мунча жавринг дегил...» ва б.). Равнак шеърлари гоёвий ва бадий жихатдан қимматли. «Девони Равнак» номли кўлёмаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади (инв. №922).

## ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

Суртуб юзуми тун кеча дилдор эшигида,  
То субҳ умидим эди дийдор эшигида.

Кўрмак тилабон орази хуршид мисолин,  
Бор эрди кўзум тонггача бедор эшигида.

Ногах юзи шаъшааси жонга солиб ўт,  
Кул қилди вужудимни баякбор эшигида.

Гар кўрса жамолин бўлур эрди махи Канъон  
Жон нақдин этиб сарф харидор эшигида.

Хар субҳ недин ерга кўяр чехраи заррин,  
Хуршид агар бўлмаса бемор эшигида.

Гам шоми ул ой кўйида гардунга чекиб ох,  
Кўз ёшим эрур кавкаби сайёр эшигида...

Савдозадалар нолақидин кунда бўлур гарм,  
Юз-юз қиёмат каби бозор эшигида.

Не хизматинга қим юз йил агар турса уруб бош,

Шахларга качон бўлгусидур бор эшигида.

Дардоки килур ул бути Чин ноз уза юз ноз,  
Харчанд ниёз айласам изхор эшигида.

Равнак харами кўйига етканга эрур фарз,  
Гар Каъба тавофи кўринур ор эшигида.

\* \* \*

На бир косидки еткурса саломим жона жонимга,  
На бир махрамки, арз этса саломим дилситонимга.

Хироми комати хар дам киёмат ошкор айлар,  
Нечук ташбих этай шамшодни сарви равонимга.

Десангким хажр аро жону дилим бору йўкин айлай,  
Юзунг оинасини рўбарў тут имтихонимга.

Жамолинг бир кўруб, жон бермагимга бермайин фурсат,  
Чекиб тийги тагофил колма, эй жаллод, конимга.

Фигонким, лаъли хандонинг кўзумдин бўлгали пинхон,  
Жахон гарк ўлди сели ашки чашми хунфишонимга.

Бир ўтдур манда, вахким, учкунидин кул бўлур олам,  
Кетурмай тог токат сўзиши доги нихонимга.

Эмас ранги хино ул шўхи котил илгида, Равнак,  
Кўли кон бўлди, шамшири жафо чекканда жонимга,

\* \* \*

Бу кун бир дилрабо кўрдумки сочи ол янгог узра,  
Анга менгзарки сунбул чирмашибдур гулга бог узра.

Чикиб юз ноз ила серпиб никобин лолагун юздин,  
Ул ой сийнамда харён догларни кўйди дог узра.

Лабиким кўнглуму кўз мардумин хам бахраманд этти,  
Муанбар холким жон нуктаси янглиг дудог узра.

Кавокиблар дурур хусн осмони буржида ёхуд  
Тузилмиш дона-дона инжулар сиймин саког узра.

Сочинг васли муяссар бўлмагондин, эй пари, гўё,

Эмас тишларга юз гам ниш сончилмиш тарог узра.

Юзинг шамъи латофатдур фурузон кун чарогидин,  
Эрур олтун утоганг шўълалигдур ул чарог узра.

Жунун сахросида саргашта жонлар бўйнуга, Равнак,  
Эрур занжири заррин силсила бодом кабог узра.

\* \* \*

Ёндим севарим, хох инон, хох инонма.  
Куйди жигарим, хох инон, хох инонма.

Дарёи гами ишкинга мустаграк ўлубман,  
Олий гухарим, хох инон, хох инонма.

Хоки сари кўйинг аро бўлдум санга помол,  
Эй тожи сарим, хох инон, хох инонма.

Ишкинга жунуним эрур ул навъки, ўздин  
Йўктур хабарим, хох инон, хох инонма.

Жон риштасига солди гирех фикри миёнинг,  
Нозик камарим, хохи инон, хох инонма.

Лаълинг гамидин гунча каби кўнглум эрур кон,  
Гулбарги тарим, хох инон, хох инонма.

Жондин гузарим бор, вале лаъли лабингдин  
Йўктур гузарим, хох инон, хох инонма.

Харён чамани сийнада юз лола очибдур,  
Доги жигарим, хох инон, хох инонма.

Заҳри гами хажринг мени ўлтургани етти,  
Эй лаб шакарим, хох инон, хох инонма.

Бар бод берур хар кеча авроки сахарни  
Охи сахарим, хох инон, хох инонма.

Равнак каби ишкинга куюб барки балодин,  
Йўктур асарим, хох инон, хох инонма.

\* \* \*

Эй малак сиймоки, олам халкидур хайрон санго,

Ахли инсондур демак оламда не имкон санго.

Хўбрўлар хусн мулкида гадойингдур сенинг,  
Десалар бўлгай раво, хўблар аро султон санго.

Партави нури юзинг этмиш мунаввар олами,  
Чун малохат авжида дерлар махи тобон санго.

Кил нигах, тангри учун, бир лахза холи зорима,  
Муддатедур бўлмишам мен зору саргардон санго.

Истабон васлинг сахарлар нолаю фарёд этиб,  
Булбули зорам мен, эй шўх гул, хайрон санго.

Кўрмадим харгиз бу гулшанда сенингдек нозанин,  
Килса бўлгай, эй пари, хардам фидо юз жон санго.

Ишк аро Равнак Масих анфоси топмас дардинги,  
Лаъли рух афзосининг анфосидур дармон санго.

\* \* \*

Жилва килиб ноз ила ул санами комёб,  
Жону кўнгул хайлига солди яна изтироб.

Чикти харамдин ул ой, шўри киёмат солиб,  
Эмди нечук бўлмагай, кишвари олам хароб.

Кўргач они, во, бу не, шўриши гавго эди,  
Нолаи ушшокдин топти жахон инкилоб.

Чехра очиб ул пари пардаи гулфомдин,  
Зери шафакдин магар бўлди аён офтоб.

Жону кўнгул зоридур, ошики дийдоридур,  
Зулф ила рухсоридур — тийра шабу мохтоб.

Лола рухи сиймбар, кўзлари бодоми тар,  
Катлима хардам чекар ханжари нозу итоб.

Зулфида хамдин гажак, белига сончиб этак.  
Катлима чизгаб биллак, конима айлаб шитоб.

Горати иймон этиб, дахрни вайрон этиб,  
Ноз ила жавлон этиб, гул юзи гарки гулоб.

Жонни мен онсиз нетай ё бошим олиб кетай,  
Ё ўлаю ё йитай, мунча недур сўзу тоб.

Кўз йўлидин хар сахар, кон бўлуб окиб жигар,  
Мавж урубон чашмалар, ер юзида гарки об.

Зулфи каманди била Равнак анга мубтало,  
Кўнглида юз ибтило, жонида минг печу тоб,

\* \* \*

Харамдин чикти ул сарви гуландомим хиром айлаб,  
Жахонни шуълаи рухсоридин ўртаб, тамом айлаб.

Очиб ой оразин гул-гул тамошои жамолидин,  
Гулистон айлади гамгин кўнгулни шодком айлаб.

Намоён этти рухсор узра мушкин донаи холин,  
Мусалсал сочлари жон кушлари тубига дом айлаб.

На кофирдур кўзунгим, ахли дин конин ичар хардам,  
Чекиб тийги газаб бедод этардин катли ом айлаб.

Эмас кўк домани узра шафакким чашми жаллодинг,  
Улус конин тўкардин они гўё лаълфом айлаб.

Шароби лаълидин ул ой азал субхида кўнглумни,  
Хироми маст килди, гардиши чашмини жом айлаб.

Эрур мансух ул кундин бери афсонаи Мажнун,  
Чу туштум водии ишк ичра тарки нангу ном айлаб.

Фалак сокийсидин жоми тараб кўз тутмаким, хар кун  
Кўяр катлинг юзи захри ажалдин талхком айлаб.

Работедур жахон, Равнак, ўтар эл корвон янглиг,  
Мунингдек рахгузарда бўлмагай турмок маком айлаб.

\* \* \*

Не ниhoли умр эрур сарви хиромонингча хўб,  
Не гули боги Эрам гулбарги хандонингча хўб.

Не жамолингдек эрур зебо рухи хури бихишт,  
Не эрур кавсар зулоли оби хайвонингча хўб.

Не дами Исо эрур жонбахш анфосинг каби,  
Не куёшнинг партави рухсори тобонингча хўб.

Не наботу канд эрур ширин лабинг алфозича,  
Не акики нобдур лаъли дурафшонингча хўб.

Кайда бўлгай жилваи товуси гулзори Эрам  
Тарзи рафтори кади мастона жавлонингча хўб.

Гамзанг андоқким тўкар элдинки, жаллоди ажал  
Мохир эрмастур нигохи чашми фаттонингча хўб.

Равнак, ул гул кўйида вақти сахарлар бог аро,  
Нолаи булбул эмастур охи афгонингча хўб.

\* \* \*

Ваъдаи васл бериб айламак эҳмол недур,  
Сўнг яна юз хийлау макр била ол недур.

Муддаий харне санга деса кабул айлаб они,  
Рад килиб сўзларим, этмак мени бадхол недур.

Умр ўтуб, гам била зоеъ мени бебахтга хайф,  
Билмадим мен ониким толеу икбол недур.

Билманамким, бу кадар акси муродимга мудом,  
Гардиши даври муҳолиф фалаки зор недур.

Субхи айшимни килиб зулмати нагбат каро шом  
Англамам хафта недур, балки маху сол недур.

Ичурур даври фалак балки манга гам захарин,  
Англамон таъми наботу шакару бол недур.

Кимгаким жонни фидо айладим ихлос била,  
Демади лутф ила бир кун санга бу хол недур.

Ўзгалар боши етиб кўкка бу даврон аро, лек,  
Бахтим этмак мени гам хайлига помол недур.

Равнако, кунжи каноатдин этиб ўзни фарог,  
Югуриб ит каби килмок талаби мол недур.

\* \* \*

Дунёи дунки кимга дей онинг вафоси бор,  
Хар дам вафо элига туман минг жафоси бор.

Хар сохиби камолки, бордур жахон аро,  
Иззат топарга кайда фалакнинг ризоси бор.

Нодон азизу мухтараму, лек хордур  
Хар одамеки дониши табъи расоси бор.

Не деб шикоят айлайн золи чархдин,  
Не жаврининг шуморау не интихоси бор.

Жуз зоти ламязал самади хаййи лоямут,  
Хар зи вужудким онинг охир фаноси бор.

Хуршид саждагохи келиб остони дўст,  
Туфрогидин фалак кўзининг тўтиёси бор.

Равнак, килурга ахли вафони жигар кабоб,  
Хуршид демагилки, фалак ўтлу тоси бор.

\* \* \*

Ул паривашки куёшдек гули рухсораси бор,  
Ошик ўлтурмак учун гамзаи хунхораси бор.

Сомирийдин ўтуруб сеҳр фусунсозлигин,  
Жодуи маст ики наргиси айёраси бор.

Тиламас мархам ила они фароҳам килмок,  
Кимки гамзанг киличидин жигар пораси бор.

Коматинг бўлса каю дийдагаким мадди назар,  
Кайда бўстони Эрам сарвига наззораси бор.

Баски гам тунларида бўлди кўзум ёшидин  
Кайда бу навъ фалак ахтари сайёраси бор.

Келса не золи фалак ходисасидин, эй дил,  
Сабру таслимдин ўзга на онинг чораси бор.

Тийги хижронинг уруб захм дили Равнакка,  
Мархаме кўйки, онинг багрида кўп ёраси бор.

\* \* \*

Иноят чоги бизга дўст истигнои нозин кўр,  
Вале бир неча дунларга они назру ниёзин кўр.

Кўйиб даврида юз бахшойишидин шодлиг элга,  
Ва лекин биз тарафга лашкари гам туркитозин кўр.

Тўла айлаб дирамдин барча дунлар жайбу домонин,  
Кошида бенаволарнинг тихи дасти ниёзин кўр.

Бизингдек нотавон ушшокни кўйига ёвутмай,  
Такарруб базмига махрам ракиби хийласозин кўр.

Азиз айлар арозилни, хор айлар азиз элни,  
Сипехри сифлапарварнинг бу бир акс имтиёзни кўр.

Не афсунгардурурким элга кўргузмай вафо охир,  
Бакосиз дахри фонийнинг аруси хийлабозин кўр.

Фалак давронида Равнак муроди бўлмаин хосил,  
Хамиша бахти нофаржомдин сўзу гудозин кўр.

\* \* \*

Хўблар жахонда сендек сохибжамол эмастур,  
Жаннат гули юзингдек рангину ол эмастур.

Хуру пари сенингдек маргуб эмас кўнгулга,  
Кавсар суйи лабингга ширин зулол эмастур.

Хуршиду ойга нисбат килмок сени не лойик,  
Хусн ичра чун сангаким онлар мисол эмастур.

Хар жилвасида гўё зохир бўлур киёмат,  
Тўбий кадингга ўхшаш раъно нихол эмастур.

Не офати замонсен, эй нозанин паризод,  
Бир кимса йўк жахонда хуснинга лол эмастур.

Мастона кўзларингни махмури бўлган элга,  
Лаълинг майидин ўзга дафъи малол эмастур.

Хар Лайливашга ошик бўлганлар ул парига,  
Мажнун бўлуб менингдек ошуфта хол эмастур.

Захри фирок ранжи ишк ичра чекмаганлар  
Шойистаи шифои нўши висол эмастур.



Равнак чекиб гамингда гардунга шуълаи ох,  
Хижрон туни кўзига уйку халол эмастур.

\* \* \*

Не ишвау, не нозу карашма, не адодур,  
Билмон бу не жон офати, не хур ликодур.

Не холима бир гўшаи чашмини нигохи,  
Не дардима жуз лаъли равонбахш даводур.

Лаъли гамидин гарчи эрур талх димогим,  
Лекин шакари лаблари ранжимга даводур.

Кўрдум юзининг оллида гулни мингидин бир,  
Не хусни тароват анга, не ранги сафодур.

Зебо кўзу юз кўзга гулистони Эрамдин,  
Гулзори жамолин доги не нашъу намодур.

Катлим чоги бармоклари ул шўхнинг ўлмиш  
Коним била гулгун демаким, ранги хинодур.

Гар тишларининг васфини шарх этса Аторуд,  
Не гавхари авсофига хадду не баходур.

Жонимга ситамдин ёдамай гардиши даврон,  
Не шеваи бедоду, не жабру, не жафодур.

Равнак кўтариб кўлни, малойик дегай омин,  
Кошки ижобат чоги мехроби дуодур.

\* \* \*

Не жўраи замонада бор эркан эътибор,  
Не ошно деганда саботу не устувор.

Не ёру дўст ваъдасида бордурур вафо,  
Не пойдор элга мухаббат не баркарор.

Не холдони анису, не хамдарду хамдами,  
Не бир рафики якдила, не ёри гамгусор.

Мумкин эрур топилмоки ахли замонда  
Не ошнон содику, не ёри дўстдор.

Дей кимга дарди холимиким журми фазл учун,  
Помол килди гардиши бадмехри зўркор.

Гар ўтса назм мартабаси токи аршдин,  
Ахли суханни хор килур чархи бемадор.

Билмон не юздин айлади тарки вафоу мехр,  
Бу дўстларки бор эди Равнакга хостдор.

\* \* \*

Бу не толеъ эдиким килмади имдод хануз,  
Бўлмади хотиримиз кайгудин озод хануз,

Охким айламади ҳеч бизинг сори нигоҳ,  
Шоҳиди давлат ила бахти худодод хануз.

Адам ахлида, фиғонким, мени ноком каби  
Гардиши даври фалак берган эмас ёд хануз.

Умр ўтуб, оҳки, бир дам фалаки букаламун  
Шеваи мехру вафо килмади ижод хануз

Кўр жаҳон даъбиниким, бўлгали бунёд элига  
Кила олгунча килур зулм ила бедод хаиуз.

Кимниким бир-икки кун айлади мехмон ўртар,  
Килмайин ком раво, ушбу гамобод хануз.

Бахти шўрида нелар келтурубон бошимга,  
Умр ўтуб толеъ уйи бўлмади обод хануз.

Одам авлодига кўргазмади накши вафо,  
Токи айвони фалак бўлгали бунёд хануз.

Равнако, мунча тараддуддин эрур не хосил,  
Бўлмаса манглаймизнинг харами бод хануз.

\* \* \*

Чикса ноз айлаб ҳарамдин шўхи сийминсок киз,  
Вусмалик кошин килур сарфитнаи офок киз.

Ёрутур эрди кўзум хилват саройин бир кеча,  
Кирса эрди кўйнума ул тўлгон ойдек ок киз.

Не учун таъзим этар хуснига мохи чоравар,  
Гар эмас хуршиддек махвашлар ичра ток киз.

Килмас эрмас мархамат хури паридин илтимос,  
Кўз учидин бокса гохи кўргузуб ишфок киз.

Бир кошик коним итига айлагай эрдим бихил,  
Бир мени тийги нигахдин истаса чолмок киз.

Анбарин холи килур жонлар машомин атрсой,  
Истаса зуннори зулфин бўйнума такмок киз.

Коса-коса кон ютай токай хумори хажридин,  
Жоми васлингда нетар килсанг думогим чоғ, киз

Жонни курбон айлар эрдим лахжаи ширинига,  
Келса ахволим сўрарга шаккарин дудог киз.

Гар малохатлик эса ондин кўрунгай кўзга хўб,  
Хох бўлсун турку тожик, хох эрур калмок киз.

Кимдурурким бўлмагай Равнак онинг ошуфтаси,  
Гар кўрунса, кўзга бир махбубан офок киз.

\* \* \*

Охким, тушгали бу золи фалакка ишимиз,  
Дард таскинига йўк холи дил айтур кишимиз.

Борхо элнинг эрур акси муроди анга эш,  
Чархи носоз била мумкин эмас созишимиз.

Бу на бедоддурур нолишимиздин, эй чарх,  
Эхтироз этки, мурувватдин эмас ранжишимиз.

Кадримиз, охки, дунлардин эмас мингдин бир,  
Юз Фалотундин агар бўлса расо донишимиз.

Мунча не ондин эрур беҳабар ул золимки,  
Охи дардона чекиб, кўкка етар нолишимиз.

Хазар, эй золим, ўшул охи сахаргоҳдин эт,  
Ким ўтар эрди сипардин бу хаданг отишимиз.

Муддаий айламайин дасти ситамдин кўтох,  
Токай ул хийрасар ўлгай сабаби кохишимиз.

Вахм эт, хасмки, туфрокка кўйиб рўи ниёз,  
Дўст даргохига бош кўймок эрур варзишимиз.

Жонимиз кайда фалак конин ичардин сувугай,  
Хар қачон кўрсант ани баски гажирур тишимиз.

Тинмок ўлмас нафасе жавр ила бедодидин,  
Кайдин ўлгай бу фалак даврида оройишимиз.

Мунча не солди каро кунни фалак бошимиза,  
Билмадукким не эди, Равнак, анга килмишимиз!

\* \* \*

Келдингу кетдинг кўринмай, эй пари пайкар санам,  
Кўнглима дог узра кўйдинг дог, алам узра алам.

Тут бу кунларни ганимат, бўлма кўп магрури хусн,  
Килмагил мен нотавонга мунча бедоду ситам.

Гар манга кўйинг муяссар бўлса, эй сарви равон,  
Ўлсам этмай орзуи гулшани боги Эрам.

Гар мени махмурингга тутсанг мухаббат согарин,  
Истамасман шохлиг, килмон таманно жоми Жам.

Сарви озод айлагай каддингга арзи бандалик,  
Жилва килсанг бог аро андоқки товуси харам.

Деб эмишсен пок домонлиг мусалламдур манго,  
Пок дил ахли назарга айлагил лутфу карам.

Гарчи хар дам ўлтурур Равнакни хажринг гуссаси,  
Лаъли жонбахши хаёлингдин топар жон дам-бадам.

\* \* \*

Эврулай бошинга, зебо санамим, дилдорим,  
Гулъузорим, севарим, мохи шакар гуфторим.

Не бўлур, тангри ризоси учун, эй сангин дил,  
Гох-гохи сўрасанг холи дили беморим.

Васлдур мархам анга, чекма, табибо, захмат,  
Топмагунг чораи доги жигари афгорим.

Гул ўзин пора килиб, булбул ўлур девона,  
Бог аро кўйса кадам шўхи пари рухсорим.

Не тилар жону кўнгул менда таажжуб бири йўк,  
Горати ишкидин ар колгон эмас осорим.

Садафи чашмим аро, кани, кириб тутса маком,  
Хусн дарёсида олий гухари шахворим.

Тиргузур Исою Марям каби ўлганларни  
Лаъли жон парваридин сўзлари шаккарборим.

Гамзадин кўз юмуб очгунча тўкар юз мингдин,  
Тийги бедод чекиб, чикса кўзи хунхорим.

Субхидам маст чикиб товус каби бог аро,  
Жилваи ноз килур ул кади хуш рафторим.

Бўлгали гамкадаи ишк макомим, Равнак,  
Минг гамим бор, вале сўргали йўк гамхорим.

\* \* \*

Хуш келибсан буён, паризодим,  
Кади сарви равон паризодим.

Кўз ё жон уйидадур жойинг,  
Мархабо, мехмон паризодим.

Барк урар дахр аро жамолингдин,  
Нури хуршидсон паризодим.

Тўти янглиг эрур тилинг гўё,  
Сўзи шаккарфишон паризодим.

Дур сочарсен лабинг такаллумдин,  
Шўхи ширин забон паризодим.

Ишваи нозинг ўлтурур элни,  
Нозанини жахон паризодим.

Тушти хуснинг садои гулгуласи  
Рум то Исфахон, паризодим.

Шухратингдур замон сахифасида  
Достон-достон, паризодим.

Булбулим, гул жамолингга шайдо,  
Эй юзи бўстон паризодим.

Кўксунг устидаги кўша норинг  
Килди багримни кон, паризодим.

Кўрмай эл нозанин гўзаллар аро  
Сен каби навжавон, паризодим.

Гамзанг ўкини ўткариб жондин,  
Кошларингдур камон, паризодим.

Килди Равнакни сунбулига асир  
Сочи анбарфишон паризодим.

\* \* \*

Ул ўтлиг чехраким оламга ўт солмиш жамолидин,  
Кўёш парвона янглиг ўртанур рухсори олидин.

Юзи меҳри фалакни зарра янглиг бекарор айлаб,  
Эрур махжуб мохи ийд анинг мушкин хилолидин.

Шихоб эрмаски айлар майли авжи осмон узра,  
Гахиким кечалар ох урсам ул махваш хаёлидин.

Хумори чашми мастига илож эрмас маи кавсар,  
Гар ичмас бодаи лаъли лаби ширин зулолидин...

Лаби килгач такаллум жон топар ушшокким, гўё  
Бўлур зохир Масихо муъжизи онинг маколидин.

Жахон ахли ёниб кул бўлгай, ахволимга кон йиглаб,  
Десам гар шаммаи махзун кўнгул дарду малолидин.

Эмас беҳуда тўбий гулшани фирдавс аро пинхон,  
Нихондур эл кўзига сарви каддинг инфилолидин.

Недур озурда жон топмок кўзининг катлидин, Равнак —  
Ки, хардам тоза рухе еткурур ширин маколидин.

\* \* \*

Айлади ёр жахондин сафар, афсус-афсус,  
Килди гам кўнглуми зеру забар, афсус-афсус.

Бўлгали хоки рах ул меҳри умидим пинхон,  
Манга шом ўлди бу гамдин сахар, афсус-афсус.

Кечалар ёдима тушган сойи ул мохлико,  
Нархдин килди фиғонким: гузар, афсус-афсус.

Водаригоки, ажал боди хазони эсибон,  
Гулшани умрига етди зарар, афсус-афсус.

Килмангиз айбки, гам даштида мажнун бўлмай,  
Эмди найлай мени шўридай (...), афсус-афсус.

Не ўт эрди буки як сон туташиб кул бўлди,  
Шўълаи охим ила бахру бар, афсус-афсус.

Ёр юзин тутди окиб дийдаи гирёнимдан,  
Хар тараф лужжаи хуни жигар, афсус-афсус.

Анжум эрмас, шаби мотамки чикиб дуд бмла,  
Чирмашур кўкка дамидин шарар, афсус-афсус.

Дод этай кимга кўлингдин фалаки шўъбадабоз,  
Зохир этдинг манга юз шўру шаръ, афсус-афсус.

Не килай чора, не айлай мени мотамзада, ох,  
Гар бу навъ ўлса казоу кадар, афсус-афсус.

Чун камондори казо берса ажал ўкига шаст,  
йўк анга бўлгали монеъ сур (?), афсус-афсус.

Кимки дунё уйидин килди бако сори хиром,  
Бўлмаса кимсаки ондин хабар, афсус-афсус.

Бемурувватлик эрур бешаи даврони сипехр,  
Равнако, килмасанг ондин хазар, афсус-афсус.

\* \* \*

Не ой юзлик, шакар гуфторлиг зебо санамдур бу,  
Каю зебо санамким, нозанин сар то кадамдур бу.

Юзин кўргач бўлур Мажнун каби шўридау шайдо,  
Эрур хури бихиштий ё паризоди Эрамдур бу.

Адоу ноз ила мастона жавлон айлаган чоғда,  
Дегил кабки дарий ё улки товуси харамдур бу.

Зихи ширин шамойил дилрабои олам ошуби,  
Киёмат жилва, махшар ишва, не коши каламдур бу.

Мусалсал турраи зулфи гирехгирингда билмонким,  
Гирифтор айлаган жон кушларини хеч гамдур бу.

Хаёти жовидон элга багишлаб жон фидо лаълинг,  
Уларман рашкдин, не хасрати дарду аламдур бу.

Манга нўши лаби жонпарварингдин бўлмайин рўзий,  
Ютарман лахза-лахза, ваҳки, не хуноби гамдур бу.

Десам ширин дахонинг бирла зебо кошларинг васфин,  
Не янглиг гавхари шахворни дуржи адамдур бу.

Жунун даштида то бўлдум балият мулкини шохи,  
Бошимда дерлар ўтлуг охни олтун аламдур бу.

Ичиб май кон тўкарга чикса ул гулгун кабо сархуш,  
Дегайсен гамзасин не ханжари олмосдамдур бу.

Не тил бирла сифат айлай онинг холу хатин, Равнак,  
Ёзилгон сафхаи оразда не мушкин ракамдур бу.

## **МУСТАЗОД**

Мастона чикиб катлима бодом кабоги,  
бебоки ситамгар,  
Бир илгида жоми маи гулранг оёги,  
бир илгида ханжар.  
Чашми сияхидин мени маст этса ажаб йўк  
то рўзи киёмат,  
Бир гамзаси мастона шакаррез дудоги,  
чун бодаи кавсар.  
Олам элини кўз юмуб очгунча килур катл,  
гар тўкмак учун кон,  
Жаллод кўзи гамзасидин чекса пичоги,  
чун кофири Хайбар.  
Не нурдурур шуълаи хуснингдаки кўрмай  
то бўлгали бунёд,  
Хуршиди жамолинг каби рахшанда чароги,  
бу гунбази ахзар.  
Савдоси сари зулфида бошимга чикиб дуд,  
ёндим тутай эркан,  
Хижрон ўти сийнамда кўйиб дог уза доги,



чун лолаи ахмар.  
Савдозада гам даштида Мажнун кабидурмен,  
овораи шаб-рӯз,  
Харён килиб ул шӯхи паривашни сӯроги,  
пӯянда чу сарсар.  
Гам шоми ул ой кӯида Равнак каби то субх,  
тош узра уруб бош,  
Не айш, не рохат манга, не хоби фароги,  
не фарш, не бистар.

## МУХАММАСЛАР

### НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Гарчи аъжози Масихо лаъли дурпошиндадур,  
Юз жахон бедодгарлик гамзаи кошиндадур,  
Шӯриши рӯзи киёмат кӯи авбошиндадур,  
Ўн секиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб чун сарви нозим ўн секиз ёшиндадур.

Чикса гулгун тўн кийиб, мастона ул чобуксувор,  
Ошик ўлтурмак учун илгида тийги обдор,  
Жилвасидин тонг эмас бўлмок киёмат ошкор,  
Деса бўлгайким яна хам ўн секкиз йил хусии бор,  
Ўн секкиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Юз ямоглиг тўн кийиб улким гадони кулдурур,  
Мохи Канъон бебахо хуснига онинг кулдурур,<sup>^</sup>  
Уйлаким бозори махшар кӯида гулгулдурур,  
Ун секиз йил дема, юз сексон йил ўлса ўлдурур,  
Хусн шохи ул балоларким кӯзу кошиндадур.

Ул куёшким кӯида ўзни гадо килмиш Масих,  
Муъжизоти лаълига жонин фидо килмиш Масих,  
Ахли дунёдин кочиби азми само килмиш Масих,  
Май кетур, эй мугки, юз хайрат аро колмиш Масих,  
Булъажабларким бу эски дайр хуффошиндадур.

Чора айлаб юзга даврон офатидин бахри ашк,  
Окизур Равнак хаводис кулфатидин бахри ашк,  
Мавж уруб гардунга хижрон шиддатидин бахри ашк,  
То Навоий тўкди ул ой фуркатидин бахри ашк,  
Хар қачон боксанг куёш акси онинг бошиндадур.

### НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Не ситам гар етса сендин, жонажоним сен менинг,  
Бордурур эркинг не килсанг, хукмроним сен менинг,  
Хох кахр эт, хох лутф эт, мехрибоним сен менинг,  
Гар жафо кил, гар вафо ким, дилситоним сен менинг,  
Гар мени ўлтур, агар тиргузки, жоним сен менинг.

Хох рахму илтифот эт, хох эт хуни жигар,  
Хох шод эт, хох :гамгин, йўк манга сендин гузар,  
Хох бўл гойиб кўзумдин, хох бўл маддий назар,  
Хох раъно кад била, боргил ёнимдин жилвагар,  
Хох кел кошимагим, сарви равоним сен менинг.

Жазбаи ишкинг кўнгулга бўлгали илхоми гайб,  
Йўктурур девонаи шайдолигимга шакку райб,  
Водии шавкинг аро килсам жунундин чоки жайб,  
Жилва айлаб хар замон афгону охим килма айб,  
Хам сен-ўк чун боиси охи фиғоним сен менинг.

Жон бериб дилдорнинг топмон вафосидин нишон,  
Хеч ошк ёри, ё раб, бўлмасун номехрибон,  
Дарди хижрондин ўларга етмишам мен нотавон,  
Лаълидин бир-икки сўз мазкур кил, эй хаста жон,  
Бори бу бир-икки дамким мехмоним сен менинг.

Бўлма гофил кечалар охимдин, эй гул хирмани,  
Ким, шафак эрмас кизил ўтдек фалакни домани,  
Хок ўлуб ишкинг йўлида Равнакинг жону тани,  
Ўлди мехрингдин Навоий, бевафо дебсен ани,  
Эртаги нозук мизожи, бадгумоним сен менинг.

### **ФУЗУЛИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС**

Ходисоти дахри дундин кўнглинга гам бўлмасун,  
Гар хилофи раъйинг этса чархи торам бўлмасун,  
Гулъузурингдин тихи гулзори олам бўлмасун,  
Бори мехнатдин ниhoли коматинг хам бўлмасун,  
Бошимиздан сояи сарви кадинг кам бўлмасун.

То жахон айвони бунёд ўлди, эй коши калам,  
Бўлмамиш мавжуд харгиз сен каби зебо санам,  
Кўзга баским нозаниндур суратинг сар то кадам,  
Кўрмасам рухсори лаъли чашми гамзанг дам-бадам  
Умр бир он, бир замон, бир лахза, бир дам бўлмасун

Субхидам чикса гулистон сайрига сончиб этак,  
Иштиёки тийги нозинг гулга кон айлар юрак,

Кўрмади бир сен каби котилни даврони фалак,  
Сендин офат келдукин билса эди хакдин малак,  
Илтимос айлардиким дунёу олам бўлмасун.

Охким, мунглиг бошимга тушгали савдои ишк,  
Солди юз шўри киёмат бошима гавгои ишк,  
Оламу одам эрур масти маи миной ишк,  
Дер эмиш сохидки бўлмок айбдур савдои ишк,  
Бу сўзи фош этмасун, расвои олам бўлмасун.

Равнако, сохидлара дийдори жонон хайфдур,  
Ошики комиллара ишк ичра бўхтон хайфдур,  
Кимки бемори мухаббат бўлса дармон хайфдур,  
Эй Фузулий, завки дарди ишка нуксон хайфдур,  
Эхтиёт эт пунбаи догингда мархам бўлмасун.

## КАСИДА

Мунча жавринг дегил, эй чархи ситамкор, недур,  
Хар не этмак бу кадар зулм падидор, недур.

Юз туман захм етиб ханжари бедодингдин,  
Ахли дониш жигарин килмокинг афгор, недур.

Лахза-лахза окизиб хуни жигар кўзларидин,  
Килмокинг они ики Кулзуми заххор, недур.

Токи аълода ёмонларга бериб жойи карор,  
Яхшиларни урасен ерга, бу кирдор недур.

Кимки нодондур этиб они жахон ичра азиз,  
Кимки донодур, они айламакинг хор, недур.

Кимки жохилдур, они лойики икбол кўруб,  
Кимки олимдур, они кисмати идбор, недур.

Кимки дун ўлса сурайё уза они чикариб,  
Сарфароз айламакинг они бу микдор, недур.

Кимки ганжинаи донишда дури нобдурур,  
Тахтабанд этмак анга гармии бозор, недур.

Кимгаким кўрсанг агар фазли камолоти шуур,  
Фокаи факрга килмок они дучор, недур.

Кимки нокасдур ўзин давлата етгач унутиб,  
Кайда бидгай ониким дўст недур, ер недур.

Ким бу гулшанда эса сарв каби озода,  
Каро туфрок уза килмок они хамвор, недур.

Кимки хуршид каби бўлса сарафрози жахон,  
Килмокинг они каро ерга нигунсор, недур.

Кимки миръоти замирида онинг бўлса жило,  
Тўкмакинг ойнаи таъбига зангор, недур,

Кимки эгридур ўлуб шахлар ўнгунда мажро,  
Сохиби манзалати махрами дарбор, недур.

Кимки султондур этиб тожи саририн барбод,  
Кимки дарвеш эса бежуббаи дастор, недур.

Кимки дун ўлса этиб муътабари олам они,  
Килмок ул сифлани сохиб зару дийнор, недур,

Мард элин ерга уруб ёр ўласен номарда,  
Дегил они мангаким, сенда бу атвор, недур.

Олами дун аро мумтоз этиб ул сифланиким,  
Билмайинким хадафи гавхари шахвор, недур.

Ким хиёнатгар эрур сўзда узун унга замон,  
Хозани гавхари ганжинаи саркор, недур.

Мунча, эй гардиши даври фалаки шўъбадабоз,  
Бўлмокинг душмани дорандаи новор, недур...

Кимки аблахдур, они дахр этибон зарринпўш,  
Комига дўнмак онинг гунбази даввор, недур.

Кимки мехр ўлса иши лек онинг подоши,  
Тузмак ул гамзадага кийнаи пайкор, недур...

Ким сухандондур ўлуб тут анга хуноби жигар,  
Билмай эл оники ошомига меъёр, недур.

Кимки тугди онадин ўйлаки гирдоби бало,  
Гарк этарга они бу Кулзуми заххор, недур.

Кимки номард эрур бошига даврони сипехр

Абри найсон каби хар лахза дуру бор, недур.

Осмон бирла замин фаркини дарк этмаган эл,  
Тутуб одам ўзини бошида пиндор, недур.

Вах, не бадмехр сен эй дахри дагал, даврингда  
Билмадук оники, сайри гули гулзор недур.

Нокис эл айш суруб, ахли маишат гамдин  
Ким, камол ахлидур олам кўзига тор, недур.

Норасоларга бериб сиймни хирман-хирман,  
Ким расодур гами харвор уза харвор, недур.

Кимки дун химмат эса кўкка чекиб они жахон,  
Жоми хуршид онинг базмида саршор, недур.

Кимки туз бўлса замондин тўла согар-согар  
Кон ютуб, кулбаи ахзонда жигархор, недур.

Ким лаим ўлса бўлуб рутбада ангушнамо,  
Молдор ахлига ул кофила солор, недур.

Хор этиб ишга ярар элни фалак турфа буким,  
Мойили тарбияти мардуми нокор, недур.

Дахр элин арбададин айлагувчи зеру забар,  
Гардиши шўъбадаи ахтари сайёр, недур.

Ким кўкартурса фасохат чамани ичра нихол,  
Вахки, кўймок они бебаргу бебор, недур.

Кўрмайин соф замир элга раво нўши мурод,  
Багрига урмок онинг ништари хунхор, недур.

Сокиё, тут манга бир жомки, айлаб ани нўш,  
Билмайинким равиши чархи жафокор, недур.

Ким шарир ўлса салотин кошида курб топиб,  
Лойики боргахи хаймаи хиргох (?) недур...

Кимки нокасдур ўзин турфаки одам согиниб,  
Нуктагири сухани мардуми хушёр, недур.

Билманам не эди журмим манга сендин, эй чарх,  
Ранж-ранж узраки, озор уза озор, недур.

Кимки озодадурур, айлаб они зору залил,  
Кўрмакинг мунча маломатга сазовор, недур.

Неки тақдирдурур ўзга ёзилмас, Равнак,  
Тавба кил, ёва демакдинки бу гуфтор, недур.